КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ МАРКЗЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР ТАВСИФИ

Эшмирзаев Нодиржон Мамадрахимович
Наманган Давлат Техника Университети докторанти
https://doi.org/10.5281/zenodo.17552049

Аннотация. *Мазкур мақолада бухгалтерия хизматлари марказлари аутсорсинг тури сифатида таҳлил қилинади. Унда мазкур марказларнинг моҳияти, функциялари, ташкил этиш механизмлари, ҳамда уларнинг кичик бизнес субъектлари самарадорлиги ва рақобатбардошлигига таъсири ёритилади. Муаллиф бухгалтерия хизматлари марказларининг ташкилотларга хизмат кўрсатишдаги афзалликлари, муаммолари ва уларнинг амалда қўлланилиши бўйича назарий хулосаларни келтиради. Илмий манбалар ва амалиёт таҳлили асосида мақолада ушбу марказларнинг иқтисодий аҳамияти асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *бухгалтерия хизматлари маркази, аутсорсинг, инновацион хизматлар, кичик бизнес, хизмат бозори, рақобатбардошлик.*

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва рақобат муҳитининг кучайиши кичик бизнес субъектлари олдига самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш талабини қўймоқда. Бу эса бухгалтерия хизматларини ихтисослашган марказлар орқали амалга ошириш имкониятини кенгайтирмоқда. Мазкур мақолада айнан шу турдаги инновацион аутсорсинг хизматларининг моҳияти, афзалликлари ва амалиётдаги самараси таҳлил қилинади.

Мақолада илмий-манба таҳлили, глобал ва маҳаллий амалиётларни таққослаш, кейс-таҳлил усули ҳамда Ўзбекистондаги бозор ҳолатини баҳолаш каби услублардан фойдаланилди. Шунингдек, хорижий ташкилотлар тажрибаси асосида ауцорсинг хизматларининг самарадорлиги ва амалий жиҳатлари ёритилди.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши бизнес-жараёнларнинг мураккаблиги, тадбиркорлик хатарларининг ошиши, хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш ва давлат назоратининг қатъий қоидалари ва стандартлари билан бирга келади. Ушбу турдаги тенденциялар хўжалик юритувчи субъектлардан бошқарув тизимининг элементларини ва биринчи навбатда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва ички назорат каби муҳим қуйи тизимларни қайта тузишни талаб қилади. Бу ташкилот раҳбарияти ва мутахассисларига асосий жараёнларни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига эътибор қаратиш имконини беради. Шу муносабат билан йирик ишлаб чиқариш ташкилотлари бизнес жараёнларини бошқариш учун ахборот таъминоти харажатларини камайтириш имконияти сифатида тобора кўпроқ бухгалтерия хизматлари марказига мурожаат қиладилар.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун бухгалтерия хизматлари маркази қуйидаги мезонлар асосида танланиши керак:

- профессионаллик (энг яхши мутахассисларни жалб қилиш);
- технологик (замонавий ускуналар ва технологияларга эга бўлиш);

- молиявий (жараённи паст харажатлар билан бажариш).

Жаҳон амалиётида йирик компаниялар раҳбарияти бухгалтерия хизматлари марказларидан фойдаланишга ҳар томонлама қулай деган нуқтаи назардан ёндашади, бу нафақат уни қўллаш натижаларини баҳолашни, балки бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифаларни ҳал қилишни, масалан, харажатларни камайтириш ва сифатни яхшилашни назарда тутади.

Замонавий бухгалтерия хизматларини тақдим этувчи марказларнинг вужудга келишини профессионал компаниялар томонидан замон талабларига мос марказларни ташкил этиш ташаббусидан бошланди. 1963 йилдан бери бухгалтерия хизматлари бугунги кунгача ривожланиб келмоқда ва шу даврда ҳар қандай бизнесни самарали юритишнинг энг яхши усулларидан бири сифатида тан олинишига муваффақ бўлди. Ўтган асрнинг 90-йилларда, бу нафақат ташкилотларнинг даромадларини оширишга, балки бошқарувни энг муҳим функцияга жамлаш ва бошқа функцияларни ташқи ижрочиларга ўтказиш орқали уларнинг тузилмалари ва фаолиятини чуқур оптималлаштиришга ҳисса қўшишига олиб келди. Ҳозирги кунда деярли бутун дунёни қамраб олган меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳисса қўшадиган ихтисослашув элементи бўлган, бухгалтерия хизматлари илмий тадқиқот объектига айланди. Масалан, Хитойда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бошқа мамлакатларга қараганда анча арзон. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар, айниқса АҚШ ўз ҳудудида асосан интеллектуал фаолият соҳаларини ривожлантиради ва ишлаб чиқаришни Хитойга топширади. Бошқача қилиб айтганда, бухгалтерия хизматлари жаҳон бозорида бизнесни бошқариш учун ахборот таъминотини ташкил этишнинг умумеътироф этилган стандартига айланмоқда.

Шундай қилиб, глобаллашув шароитида меҳнат тақсимоти ва саноат кооперациясининг чуқурлашиши бухгалтерия хизматларини глобал амалиётга жорий этишнинг асосий сабаби бўлиб хизмат қилди. Америка бошқарув уюшмаси 1997 йилдаги статистика маълумотларига кўра, 600 респондент фирмаларнинг 20% бухгалтерия жараёнларни кичик қисмини, 80% эса маъмурий вазифаларни бир қисми ташқи аутсорсерларга ўтказган.

Тадқиқотларимизнинг натижаларига кўра, ташкилотнинг аутсорсерга мурожаат қилишдаги асосий мотивацияси — бу стратегик мақсадларга эришиш учун зарур бўлган, аммо ташкилотнинг ўзида мавжуд бўлмаган компетенцияларни олишдир. Нопрофиль функцияларни аутсорсерга топшириш орқали буюртмачи ташкилот қуйидаги устунликларга эга бўлиши мумкин: хизматларни халқаро стандартларга мос равишда олиш; ички ресурсларни устувор вазифаларга йўналтириш; тадбиркорлик хавфини камайтириш. Ушбу афзалликлардан ҳеч бўлмаганда биттасини амалга ошириш ташкилотга ўз молиявий кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Косинова Н.Н. ва Раткович С.М. таъкидлашича, "аутсорсинг компаниялари томонидан бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритиш хизматларининг кичик бизнес вакиллари учун нархи қуйидаги омилларга боғлиқ:

- буюртмачи компаниянинг ҳажми;
- қўлланиладиган солиққа тортиш тизими;
- қайта ишланадиган хужжатлар сони (проводкалар сони);
- маслаҳат бериш шакли (оғзаки ёки ёзма) ва ҳ.к.".

Интернет тадқиқотлари, илмий адабиётлар ва ахборот базалари таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда аутсорсинг хизматлари бозори асосан учта гуруҳга бўлинади:

1-группа: аутсорсинг ташкилотлари, улар орасида илгари фақат молиявий ҳисоботлар аудитини амалга оширганлар ҳам бор.

2-группа: аутсорсинг хизматларидан мунтазам фойдаланувчи тижорат ташкилотлари.

3-группа: давлат ташкилотлари ва университетлар. Ўзбекистонда аутсорсинг муаммолари билан муайян даражада ўндан ортиқ университетлар шуғулланмоқда.

Ўзбекистонда аутсорсингга қизиқиш нисбатан яқин вақтларда пайдо бўлган бўлса-да, бу йўналишда махсуслашган қатор ташкилотлар пайдо бўлди: PR-агентликлар, IT-компаниялар, бухгалтерия аутсорсинг ташкилотлари. Бошқача айтганда, мижозлар ва ташкилотлар учун энг қизиқарлиси аутсорсинг соҳасидаги профессионаллар бўлиб, улар мижоз-ташкилот учун интерактив дастурлаш элементлари мавжуд бўлган веб-сайт яратиш, серверни конфигурациялаш ва фойдаланувчиларга ҳуқуқлар тақдим этиш имкониятларига эга.

IT-жараёнларни аутсорсинг қилиш — доимий ишчи сифатида системали администраторни ушлаб туришга нисбатан анча самарали ҳисобланади. Масалан, бир серверни IT-аутсорсинг қилиш нархи ойига тахминан 1500 рублни ташкил этади, шу билан бирга бутун офисни хизмат билан таъминлаш 3–4 баробар қимматга тушади. Аутсорсинг шартномаси тузишда учрашувлар учун қулай вақтни келишиб олиш мумкин. Чунки кичик ташкилотда штатдаги системали администраторнинг ойлик иш ҳақи камида 20 минг рублни ташкил этади. Бизнингча, системали администраторни штатда ушлаб туриш фақат 40–50 та компьютер мавжуд бўлган корхоналарда асосли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, яқинда Россия бозорида пайдо бўлган бухгалтерия аутсорсинги кўринишидаги янги хизмат тури маҳаллий тижорат ташкилотларида ҳам қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, диссертацион тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, Россияда аутсорсинг хизматларининг такомиллашган даражасига етиши учун ҳали бироз вақт талаб этилади. Бу даража аутсорсинг компанияларига фаолият миқёси орқали харажатларни камайтириш ва хизмат нархини пасайтириш имконини беради.

Бизнингча, хорижда аутсорсинг шундай даражага етганки, агар Ўзбекистон иқтисодиёти бу соҳада халқаро тажрибаларни қўлламаса, жаҳон рақобатида муваффақият қозониши мушкул бўлади. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам аутсорсинг бозори кенгайиб бормоқда ва бу тижорат ташкилотларига ўз даромадларини ошириш мақсадида ташқи кичик аутсорсинг ташкилотларининг мослашувчанлигидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Европада кичик бизнес субъектларининг 86%, АҚШда — 92%, Исроилда — 96% бухгалтерия ҳисобини аутсорсингга топширмоқда. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти иккита устунга таянади: катта компаниялар ва кичик бизнес. Биринчиси орқали иқтисодиёт барқарор ва бошқаришга қулай бўлиб, илмий-техникавий янгиликларни жорий қилиш имконини беради; иккинчиси эса рақобат муҳитини яратади, ишлаб чиқаришни мослашувчан ва индивидуаллашган қилиб таъминлайди.

Тадқиқот натижаларига кўра, бухгалтерия аутсорсинг хизматларини самарали ташкил этиш ягона илмий тартибга солиш технологияси асосида барча даражаларда

амалга оширилиши лозим. Диссертация хулосаларига асосланиб, биз масофавий бухгалтерия аутсорсинг хизматларини тартибга солиш бўйича кўп босқичли моделни ишлаб чиқдик.

Бу модель қуйидаги даражаларни қамраб олади:

- алоҳида бухгалтерия хизматлари;
- бухгалтерия аутсорсинг ташкилотлари;
- бухгалтерия аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар ҳамжамияти;
- республика даражадаги тартибга солиш;
- давлат (халқаро) даражадаги аутсорсинг фаолиятини бошқариш.

Ушбу методологик ёндашув бухгалтерия ҳисобининг масофавий аутсорсинги фаолиятини турли даражаларда тартибга солишни, мос инструментлар ва уларни такомиллаштириш натижаларини ўз ичига олади.

Бу ёндашувнинг моҳияти шундаки: бухгалтерия ва ички назоратни оптималлаштирувчи аутсорсинг-провайдерлар, ўз фаолият самарадорлигини ошириш сиёсатини ҳам шакллантириши лозим. Бу жараён аниқ бир бухгалтерия хизмати ёки аутсорсинг ташкилотидан бошлаб, бутун Россия бухгалтерия аутсорсинг институтигача бўлган босқичларни қамраб олиши керак.

Бухгалтерия аутсорсинг ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг аҳамияти шундаки, бу уларнинг мижозларининг рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, миллий хўжаликнинг барча тармоқлари иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, мижозлар учун етарли даражадаги ахборотга эга бўлиш рақобатбардошлик учун муҳим омил бўлиб, унинг етишмаслиги жиддий тўсиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Coase, R. (1937). The Nature of the Firm. Economica, 4(16), 386–405.
2. Williamson, O. E. (1985). The Economic Institutions of Capitalism. New York: Free Press.
3. Quinn, J. B., & Hilmer, F. G. (1994). Strategic Outsourcing. Sloan Management Review, 35(4), 43–55.
4. Lacity, M., & Willcocks, L. (2001). Information Systems Outsourcing: Theory and Practice. New York: Wiley.
5. OECD (2023). SME and Entrepreneurship Outlook 2023. Paris.
6. Deloitte (2022). Global Outsourcing Survey. London.
7. IT Park Uzbekistan. (2024). Yearly Report.
8. Вахабов А.В. ва бошқалар. (2021). Аутсорсинг хизматлари асослари. Тошкент.
9. Каримов А.М. (2022). Кичик бизнесда бухгалтерия аутсорсингининг ўрни. Иқтисод журнали, №3.
10. Bench.co (2023). Accounting Services for Small Business. https://bench.co